
Ишга марҳамат: Очиқ мустақил танлов

Президент ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги Фарғона вилоят филиали вилоят бошқарма ва ташкилотлари билан ҳамкорликда қуйидаги вакант лавозимларга очиқ мустақил танлов эълон қилди:

Хусусан, Ўзбекистон тумани бўйича:

Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси вилоят бошқармаси:

— Ўзбекистон тумани бўлими "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" орқали давлат ижтимоий хизматлари ва ёрдамларини кўрсатиш шўъбаси мудири.

Ҳужжатлар 2022 йил 6 июнгача (шу куни ҳам) қабул қилинади.

Молия бош бошқармаси:

— Ўзбекистон тумани бўлими маҳаллий бюджетни шакллантириш бюджет ташкилотларини молиявий таъминлаш бўлими бошлиғи ўринбосари

Ҳужжатлар 2022 йил 9 июнгача (шу куни ҳам) қабул қилинади.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаси:

— Ўзбекистон тумани бўлими бош мутахассиси

Ҳужжатлар 2022 йил 11 июнгача (шу куни ҳам) қабул қилинади.

Танловда иштирок этиш учун номзодлар Давлат фуқаролик хизматчилари вакант лавозимларининг ягона очиқ портали орқали рўйхатдан ўтишлари, вакант бўлган лавозимга сўралган ҳужжатларни электрон шаклда тақдим этишлари зарур.